

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.Ped.78.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МЕНГЛИЕВ ИСЛОМ АБДУМУРАТОВИЧ**

**ТАЛАБАЛАРНИНГ ФАНЛАРАРО БОҒЛИҚЛИКНИ ЎРГАНИШ  
БЎЙИЧА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МЕТОДИКАСИ  
(ТАБИИЙ ФАНЛАР МИСОЛИДА)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТЕРМИЗ – 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Менглиев Ислон Абдумуратович**

Талабаларнинг фанлараро боғлиқликни ўрганиш бўйича касбий  
компетентлигини шакллантиришда ахборот технологияларини қўллаш  
методикаси (табiiй фанлар мисолида).....5

**Менглиев Ислон Абдумуратович**

Методика применения информационных технологий в формировании  
профессиональной компетентности студентов при изучении межпредметных  
связей (на примере естественных наук).....27

**Mengliev Islom Abdumuratovich**

Methods of using information technologies in the formation of professional  
competence of students in the study of interdisciplinary relations (on the example of  
natural science).....52

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....57

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ**

**PhD.03/30.12.Ped.78.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МЕНГЛИЕВ ИСЛОМ АБДУМУРАТОВИЧ**

**ТАЛАБАЛАРНИНГ ФАНЛАРАРО БОҒЛИҚЛИКНИ ЎРГАНИШ  
БЎЙИЧА КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ МЕТОДИКАСИ  
(ТАБИИЙ ФАНЛАР МИСОЛИДА)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (информатика)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТЕРМИЗ – 2022**

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида V2018.3.PhD/Ped 655 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (o'zbek, rus, ingliz (rezyume)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.terdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Нормуродов Чори Бегалиевич</b> физика-математика фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Тўраев Расул Нуртожиевич</b> физика-математика фанлари номзоди, доцент <b>Лутфуллаев Махмуд Хасанович,</b> педагогика фанлари доктори, профессор.
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Наманган давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университетидида ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.Пед.72.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «29» 12 соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси 43- уй.) Тел.: (99876) 221-74-55; факс: (99876) 221-71-17; e-mail: termizdu @ umail.uz)

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (108 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси 43- уй.) Тел.: (99876) 221-74-55;

Диссертация автореферати 2022 йил «19» 12 кун тарқатилди.  
(2022 йил «19» 12 да 19 рақамли респ. баённомаси).



Ч **И.Т.Чориев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, п.ф.д., профессор  
М **М.Қ.Бозорова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, п.ф.н., доцент  
Х **Х.Ж.Худойкулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунё тажрибаси кўрсатмоқдаки, таълим тизими барқарор тараққиётни таъминловчи асосий омил сифатида эътироф этилиб, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳамкорликда қабул қилинган ва таълим соҳасини 2030 йилгача ривожлантиришга йўналтирилган янги Халқаро таълим концепциясида “Кенг қамровли ва ҳаққоний сифатли таълимни таъминлаш ва бутун ҳаёт мобайнида барчани ўқитиш имкониятларини рағбатлантириш”<sup>1</sup> долзарб вазифа сифатида белгиланган. Айниқса, фанлараро боғлиқликни ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўқитиш методикасини такомиллаштириш жараёни талабаларни ижодий фикрлашга ўргатишда муҳим аҳамиятга эга. Ривожланган давлатлар тажрибасига кўра, талабаларнинг фанлараро боғлиқликни ўрганиш бўйича касбий компетентлигини ошириш учун ўқув жараёнига ахборот ва ҳисоблаш технологияларини қўллаш, фанлараро боғлиқликни назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этишга имкон берадиган масалаларни танлаш, талабаларнинг амалий ва мустақил таълимини ўтказишга йўналтирилган дастурий-методик таъминотини яратиш, амалиётга тадбиқ этиш ва такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Натижада, мутахассисларни касбий фаолиятга тайёрлашга йўналтирилган ахборотлаштирилган таълим муҳитини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида табиий фанлар соҳаси бўлажак мутахассисларда фанлараро боғлиқлик бўйича касбий компетентликни шакллантириш усулларининг илмий асосларини ишлаб чиқиш, компетенциявий ёндашув асосида ўқитишнинг замонавий шакллари ва усулларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, табиий фанлар таълим йўналишлари талабаларининг фанлараро боғлиқлик бўйича касбий компетентлигини шакллантириш учун таълим мазмунига мос ўқитишнинг замонавий усуллари ва воситаларига асосланган методик тизим ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитларини белгилаш, ўқув материалларини мазмунан такомиллаштириш ва уларни ўзлаштиришга оид интерфаол технологиялар ва дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлмоқда. Бундай ёндашув бакалаврларни тайёрлаш сифатини ошириш, илмий-методик таъминотини яратишга имкон бериши билан диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида талабаларга фанлараро боғлиқликни ўқитишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, хорижий тажрибалар асосида фанлараро боғлиқликни ўргатиш бўйича муаммоли вазиятларни ташкил этиш, талабаларда фанлараро боғлиқликка оид касбий компетенцияларни ривожлантиришнинг меъёрий асослари ва моддий-техник таъминотини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Натижада, олий

---

1 Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015. Incheon, Republic of Korea).

таълим муассасалари табиий фанлар йўналишларида фанлараро боғлиқликни ахборот технологиялари асосида ўқитишда тегишли фаннинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш, ундаги мураккаб мавзуларни ўқитишни енгиллаштириш, фанлараро боғлиқликнинг барча қирраларини тўлақонли намоёниш этиш имкониятлари кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, 2020-йил 6-октябрдаги ПҚ-4851-сон “Ахборот технологиялари тўғрисида” ги қарори, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 7-майдаги 288-сон “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда аксарият хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимига замонавий ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш соҳасида, таълимни ахборот технологиялари асосида ташкил этиш ва такомиллаштиришга бағишланган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистонда касбий компетентликка оид илмий тадқиқотларга И.Чориев, О.Мусурмонова, М.Очилов, Н.Муслимов, М.Иномова, У.Маҳкамов, Х.Худойқулов, Б.Қодиров, О.Хайитов ва бошқа олимларнинг ишлари бағишланган. Таълим тизимида фанлараро боғлиқлик масалалари А.Ходжибаев, Б.Абдуллаева, И.Алиев, Н.Алимов, С.Алиқулов, Р.Боқиев, А.Зокиров ва бошқа олимларнинг тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган. Фан-техника, бошқарув ва таълим соҳаларида алгоритмлаш, компьютерлаштириш ва ахборот технологияларини қўллаш В.Қобулов, М.Арипов, У.Бегимқулов, Н.Муслимов, А.Абдуқодиров, Ш.Назирова, Ф.Зокирова, М.Цой, А.Хайитова, М.Алламбергенова, Х.Тангиоров, Д.Ашурова, Н.Бабаходжаева ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида ёритилган.

Ҳамдўстлик давлатларида касбий компетентлик билан боғлиқ тадқиқотлар В.Сластёнин, Г.Ломакина, В.Байденко, Е.Бондаревская, К.Лебедев, А.Дровников, Е.Николаев, Т.Петрова, Н.Максимова ва бошқа методист олимларнинг ишларида олиб борилган. Замонавий олий таълим муҳитида фанлараро боғлиқликни амалга ошириш масалалари Н.Вострикова, В.Токтарова, А.Коробейникова, Т.Гнитетская, М.Сарсенгелдин, А.Сатабалдиев, В.Мокей, Т.Лукиянова ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Ахборот технологиялари воситасида фанлараро боғлиқликни ўрганиш Е.Белослудцева, О.Царева, Г.Марата, И.Боякова, Т.Вороника, М.Иванова, Н.Лукина, М.Сергеева каби олимларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган.

Ривожланган давлатларда касбий компетентликка оид илмий-тадқиқотлар ишлари Н.Camelo, S.Angerami, K.Abdullah, Ch.Chan, L.McKenna, Z.Torabi, A.Choperena, T.Llacer, A.Nakim ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилган. Т.Oboki, Т.Вyas, U.Hubenthal, J.Meek, K.Holley, S.Marques, M.Lima, J.Reis ва бошқа бир қатор олимларнинг изланишлари фанлараро боғлиқлик масалаларига бағишланган. Ахборот технологиялари асосида фанлараро боғлиқликни тадқиқ этиш масалалари I.Semradova, S.Hubackova, R.Ward, M.Keller, C.Figg каби олимларнинг ишларида ўрганилган.

Юқорида келтирилган ҳамда мавзуга оид бошқа тадқиқот ишлари таҳлили кўрсатадики, касбий компетентлик, фанлараро боғлиқлик ва ахборот технологияларининг таълим жараёнига яхлит ҳолда тадбиқ этилишига деярли эътибор қаратилмаган, талабаларнинг фанлараро боғлиқликни ўрганиш бўйича касбий компетентлигини шакллантиришда ахборот технологияларини қўллашга оид методик тизимлар ишлаб чиқилмаган, фанлараро боғлиқликка оид фанлар ўқитилувчи мутахассисликларнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинмаган, фанлараро боғлиқликни ахборот технологиялари асосида ўқитишнинг таълим сифатидаги таъсири етарли даражада ўрганилмаганлиги ушбу соҳага оид илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш заруриятини тақоза этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-1-2019-20 “Касбга йўналтириш, қайта тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш ўқув ишлаб чиқариш тизимида миллий, анъанавий негизини ҳамда ушбу йўналишда таълим бериш жараёнининг амалий-услубий асосларини яратиш” (2019-2020 йй) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** олий таълим муассасалари табиий фанлар таълим йўналишларида фанлараро боғлиқликни ахборот технологиялари асосида ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

хорижий давлатлар ва мамлакатимиздаги олий таълим муассасалари табиий фанлар таълим йўналишларида фанлараро боғлиқликни ахборот технологиялари асосида ўқитиш ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ундан фойдаланишнинг психологик-педагогик жиҳатларини асослаш;

табиий фанлар таълим йўналишларида фанлараро боғлиқликни ахборот технологиялари асосида ўқитишга доир масалаларни ечиш методикасини такомиллаштириш;

табиий фанлар таълим йўналишларида фанлараро боғлиқликни ахборот технологиялари асосида ўқитишнинг методик ва дидактик имкониятларини такомиллаштириш;

табиий фанлар таълим йўналишларида фанлараро боғлиқликни ахборот технологиялари асосида ўқитишни ўқув жараёни ва мустақил таълимда қўллаш методикасини ишлаб чиқиш;

табиий фанлар таълим йўналишларида фанлараро боғлиқликни тадқиқ этишнинг ҳисоблаш экспериментига асосланган технологиясини ишлаб чиқиш ва дастурий таъминотини яратиш;

табиий фанлар таълим йўналишларида фанлараро боғлиқликни ахборот технологиялари асосида ўқитиш стратегиясининг метод, шакл, восита ва йўллари аниқлаш, уларнинг самарадорлигини оширишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

табиий фанлар таълим йўналишларида талабаларнинг фанлараро боғлиқликни ўрганиш бўйича касбий компетентлигини шакллантиришда ахборот технологияларини қўллаш самарадорлигини педагогик тажриба-синов орқали текшириб кўриш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида олий таълим муассасалари табиий фанлар йўналишлари талабаларининг фанлараро боғлиқликни ўрганиш бўйича касбий компетентлигини шакллантиришда ахборот технологияларини қўллаш методикасини такомиллаштириш жараёни қаралган бўлиб, унга Термиз, Самарқанд, Қарши давлат университетлари ва Навоий давлат педагогика институтининг 1131 нафар талабалари жалб қилинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни олий таълим муассасалари табиий фанлар таълим йўналишларида фанлараро боғлиқликни ахборот технологиялари асосида ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг шакл, метод, восита ва йўллари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш, суҳбат, кузатиш, сўровнома, таснифлаш, моделлаштириш, алгоритмлаш, маълумотларни математик-статистик таҳлил қилиш, натижаларни жадвал, схема, диаграмма ва график шаклда тасвирлаш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

табиий фанларда талабаларнинг фанлараро боғлиқликни ўрганиш бўйича касбий компетентлигини шакллантиришга оид турли типдаги масалаларни ўқитиш ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва танлаш механизмларини аниқлаш, ахборот технологияларига асосланган ечиш методикаси жараёнида талабаларга ижобий психологик таъсир кўрсатиш ҳамда амалий машғулотларни ташкил этишнинг методик таъминотидан унумли фойдаланиш орқали ҳисоблаш эксперименти босқичларини аниқлаштириш асосида такомиллаштирилган;

кимё таълим йўналишлари талабаларининг касбий компетентлигини шакллантиришда углеродород молекуласи атомларининг топологик хоссалари бўлган молекуладаги углерод атомлари сони, углерод-углерод боғланишлари сони ва молекуладаги халқалар сонини ахборот технологияларига асосланган модель-алгоритм-дастур учлиги воситасида ғайриодатий моҳиятдан воқеликга ўтиш асосида такомиллаштирилган;

биология ва тиббиёт таълим йўналишлари талабаларининг фанлараро боғлиқликни ўрганиш бўйича касбий компетентлигини шакллантиришда қандли диабет касаллигида инсон организмидаги қанд ва инсулин миқдорнинг ўзгариши

динамикасини ахборот технологияларига асосланган модель-алгоритм-дастур учлиги, фанлараро боғлиқликни тадқиқ этишнинг ҳисоблаш экспериментига асосланган технологиясини ишлаб чиқиш ва дастурий таъминотини яратиш асосида такомиллаштирилган;

фанлараро боғлиқликка оид турли масалаларни танлаш, тузиш принциплари ва ахборот технологияларига асосланган ечиш методикаси стратегиясининг метод, шакл, восита ва йўлларини аниқлаш, уларнинг самарадорлигини оширишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

табиий фанларда талабаларнинг фанлараро боғлиқликни ўрганиш бўйича касбий компетентлигини шакллантиришда ахборот технологияларини қўллашга оид турли типдаги (сонли, миқдорий, график, экспериментал, муаммоли) масалаларни танлаш, тузиш тамойиллари (илмийлик, кетма-кетлик, изчиллик, мантиқийлик, кўргазмалилик, назария ва амалиёт уйғунлиги) ва ахборот технологияларига асосланган ечиш методикасини (модель, алгоритм, дастур) такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ва “Айирмали схемалар назарияси” номли дарсликни яратишда фойдаланилган;

табиий фанларда талабаларнинг фанлараро боғлиқликни ўрганиш бўйича касбий компетентлигини шакллантиришда ахборот технологияларини қўллашга оид турли типдаги масалаларни танлаш, тузиш принциплари ва ахборот технологияларига асосланган ечиш методикаси (модель, алгоритм, дастур)ни такомиллаштириш даражалари, мезонлари, ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

табиий фанларда талабаларнинг фанлараро боғлиқликни ўрганиш бўйича касбий компетентлигини шакллантиришда ахборот технологияларини қўллаш методикасини такомиллаштиришда замонавий ахборот технологиялари “SMART-портфолио”, “Isping”, “Veral-тест”, “Make media flash”, “Му-тест” масалалар ечиш ва талабалар билимини назорат этиш жараёнига татбиқ этилиб, педагогик тажриба-синов ўтказилган, олинган натижаларга асосланиб таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

биология ва тиббиёт таълим йўналишларида фанлараро боғлиқликни тадқиқ этишга мўлжалланган “Қандли диабет касаллиги дифференциал моделини Эйлер методи билан аппроксимациялаш дастурий таъминоти”, “Қандли диабет касаллиги дифференциал моделини юқори аниқликка эга бўлган Рунге-Кутта методи билан аппроксимациялаш дастурий таъминоти”, “Қандли диабет касаллиги дифференциал моделини Эйлернинг биринчи яхшилланган методи билан аппроксимациялаш дастурий таъминоти”лари яратилган;

кимё таълим йўналишида фанлараро боғлиқликни тадқиқ этишга мўлжалланган “Бензол молекуласи таркибини тадқиқ этиш дастурий таъминоти”, “Нафталин молекуласи таркибини тадқиқ этиш дастурий таъминоти”, “Антрацен молекуласи таркибини тадқиқ этиш дастурий таъминоти”лари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** уларнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланганлиги, тадқиқот ишида қўлланилган методик ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги,

республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуман материаллари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган журналларда ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, яратилган дастурий таъминотнинг амалиётга жорий этилганлиги, тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олиб борилган педагогик тадқиқот иши натижаларининг ўқув жараёнида ва мустақил таълимда талабаларнинг фанлараро боғлиқликни ўрганиш бўйича касбий компетентлигини шакллантиришга оид турли типдаги масалаларни танлаш, тузиш тамойиллари ва ахборот технологияларига асосланган ечиш методикасининг такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти талабаларнинг фанлараро боғлиқликни ўрганиш бўйича касбий компетентлигини шакллантиришга оид турли типдаги масалаларни танлаш, тузиш тамойиллари ва ахборот технологияларига асосланган ечиш методикасини такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, мазкур тадқиқот мавзуси асосида таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган Давлат таълим стандартини такомиллаштириш юзасидан қўшимчалар киритиш ҳамда фанлараро боғлиқликка оид масалалар ечиш сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Олий таълим муассасалари талабаларига фанлараро боғлиқликни ўрганишга оид турли типдаги масалаларни танлаш, тузиш тамойиллари ва ахборот технологияларига асосланган ечиш методикасини такомиллаштиришда талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

табiiй фанларда талабаларнинг фанлараро боғлиқликни ўрганиш бўйича касбий компетентлигини шакллантиришга оид турли типдаги масалаларни ўқитиш ҳолатини ўрганиш, таҳлил қилиш ва танлаш механизмлари ахборот технологияларига асосланган ечиш методикаси жараёнида психологик таъсир кўрсатиш ҳамда амалий машғулотларни ташкил этишнинг методик таъминотидан унумли фойдаланиш орқали босқичларини аниқлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялардан ОТ-Атех-2018-519 “Компьютер имитацион моделлар асосида виртуал ресурслар Web-иловасини дастурий таъминотини яратиш” (2018-2020 йй.) амалий тадқиқотлари илмий лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022 йил 10 ноябрдаги 3079/30.02.01-сонли маълумотномаси). Натижада, табiiй фанларда талабаларнинг фанлараро боғлиқлик бўйича касбий компетентлигини шакллантиришни модель-алгоритм-дастур учлиги асосида тадқиқ этиш методикасини такомиллаштиришга эришилган;

кимё таълим йўналишлари талабаларининг касбий компетентлигини шакллантиришда углеродород молекуласи атомларининг топологик хоссалари

бўлган молекуладаги углерод атомлари сони, углерод-углерод боғланишлари сони ва молекуладаги халқалар сонини ахборот технологияларига асосланган модель-алгоритм-дастур учлиги ғайриодатий моҳиятдан воқеликга ўтиш асосида такомиллаштиришни қўллашга оид таклиф ва тавсиялардан ОТ-Ф4-64 “Биржинслимас ғовак муҳитларда суюқлик сизиши ва моддалар кўчиши гидродинамик моделларини тузиш ва сонли тадқиқ этиш” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳада (Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг 2022 йил 17 июндаги маълумотномаси) фойдаланилган. Натижада, углеводород молекулаларининг топологик хоссалари бўлган молекуладаги углерод атомлари сони, углерод-углерод боғланишлари сони ва молекуладаги халқалар сонини ахборот технологияларига асосланган модель-алгоритм-дастур учлигига оид масалаларни сонли ечиш алгоритми ва дастурий таъминоти яратилган;

биология ва тиббиёт таълим йўналишлари талабаларининг фанлараро боғлиқликни ўрганиш бўйича касбий компетентлигини шакллантиришда қандли диабет касаллигида инсон организмидаги қанд ва инсулин миқдорнинг ўзгариши динамикасини ахборот технологияларига асосланган модель-алгоритм-дастур учлиги фанлараро боғлиқликни тадқиқ этишнинг ҳисоблаш экспериментига асосланган технологиясини ишлаб чиқиш ва дастурий таъминотини яратиш асосида такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялардан ОТ-Атех-2018-519 “Компьютер имитацион моделлар асосида виртуал ресурслар Web-иловасини дастурий таъминотини яратиш” (2018-2020 йй.) амалий тадқиқотлари илмий лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022 йил 10 ноябрдаги 3079/30.02.01-сонли маълумотномаси). Натижада, табиий фанларда талабаларнинг фанлараро боғлиқлик бўйича касбий компетентлигини шакллантиришни модель-алгоритм-дастур учлиги асосида тадқиқ этиш методикасини такомиллаштиришга эришилган;

фанлараро боғлиқликка оид турли масалаларни танлаш, тузиш принциплари ва ахборот технологияларига асосланган ечиш методикаси стратегиясининг метод, шакл, восита ва йўллари аниқлаш, уларнинг самарадорлигини оширишга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан ИЛ-392103072 “Чорвачилик комплексларини электрон бошқаришнинг мобил иловасини яратиш” (2022-2023 йй.) мавзусидаги инновацион илмий тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Нукус филиалининг 2022 йил 23 июндаги маълумотномаси). Натижада, қандли диабет касаллигини таҳлил қилиш дастурий таъминоти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича чоп этилган асосий илмий ишлар сони 21 та, шулардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган нашрларда 8 та, шундан, 5 таси республика, 3 таси

хорижий журналларида чоп этилган. Шунингдек, тадқиқот доирасида ЭХМ учун 6 та дастурий таъминот яратилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ёритилган, натижаларнинг ишончлилиги ва амалиётга жорий этилиши, назарий ва амалий аҳамияти, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

**“Фанлараро боғлиқлик нуқтаи назаридан талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда ахборот технологияларини қўллашнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида табиий фанлар таълим йўналишларида фанлараро боғлиқликни ўқитишнинг ҳозирги ҳолати, фанлараро боғлиқликни ахборот технологиялари асосида ўқитишнинг касбий компетенцияда эга мутахассисларни тайёрлашдаги аҳамияти, ахборот технологияларини табиий фанлар таълим йўналишларида фанлараро боғлиқликни ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини оширишда қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари баён қилинган.

Табиий фанлар таълим йўналишларида фанлараро боғлиқликка оид мавзулар билан танишиш жараёнида талаба бевосита ўрганган, кузатган ҳодисалар ва жараёнларни ўзларининг амалий фаолиятларида учратади. Бу унга икки ёки ундан ортиқ фанлар кесимида олинган назарий билимларини умумлаштириш, уларнинг яхлит ва узвий боғлиқликда эканлигини англаш ҳамда мустақил мантиқий фикрлаш имкониятларини яратади. Шунингдек, табиий фанларда фанлараро боғлиқликни ахборот технологиялари асосида тадқиқ этиш биринчидан, фанлараро боғлиқликка оид назарий билимларни амалиётга ижодий қўллаш; иккинчидан, мавзулар моҳиятини кенг қамровли англаш; учинчидан, фанлар кесимидаги назарий билимларни онгли, пухта, чуқур эгаллаш; тўртинчидан ахборот технологияларини қўллаб ҳодиса ва жараёнларни уларнинг моделлари асосида характерли параметрларнинг турли қийматларида тадқиқ этиш; бешинчидан, талабага касбий компетенцияларни ривожлантиришда ёрдам берганлиги баён қилинган.

Табиий фанлар таълим йўналишларида фанлараро боғлиқликни чуқур ўргатиш касбий компетенцияга эга бўлган бакалаврлар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Кимё, биология ва тиббиёт таълим йўналишларидаги кўпгина фанларда фанлараро боғлиқликка оид масалаларни ахборот технологиялари асосида тадқиқ этишда бир қатор фанлар билан ўзаро боғлиқликни кузатиш

мумкин. Масалан, моделлаштириш, ҳисоблаш усуллари, алгоритмлар назарияси, дастурлаш, компьютер графикаси, Web дизайн, информатика, дифференциал тенгламалар, матрицалар назарияси ва бошқа фанлар. Фанлараро боғлиқликни ахборот технологияларини қўллаб тадқиқ этишда модель-алгоритм-дастур учлигига асосланилади. Ушбу учлик фанлараро боғлиқликка оид мураккаб масалани компьютерда таҳлил қилинадиган масалага олиб келади. Бунда дастлаб ҳодиса ва жараёни тавсифловчи характерли параметрлар ва сўнгра топилиши лозим бўлган ноъмалумлар аниқланади. Дастлаб характерли параметрлар ва изланаётган ноъмалумларнинг боғлиқлигини ифодалайдиган модель тузилади. Кўпинча ушбу модель алгебраик, трансцендент, дифференциал, интеграл ва интегродифференциал тенгламалардан иборат бўлади. Уларнинг асосий хусусияти ва мураккаблиги аксарият ҳолларда моделнинг чизиқли эмаслигидадир. Айрим ҳолларда моделнинг қаралаётган жараёни тўлақонли тавсифлашни таъминлаш мақсадида уни такомиллаштириш эҳтиёжи ҳам пайдо бўлади. Сўнгра модельни компьютерларда самарали ечишга имкон берадиган ҳисоблаш методи танланади ва уни ечиш алгоритми ишлаб чиқилади. Кейинги босқичда, алгоритм учун замонавий дастурлаш тилларидан бирортасини танлаган ҳолда компьютер дастури тузилади. Ва ниҳоят, ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда компьютерда сонли ҳисоблашлар ўтказилади, ҳамда олинган натижалар таҳлил қилинади ва қаралаётган ҳодиса ёки жараёни адекват тавсифловчи моделга мос ҳисоблаш натижалари замонавий ахборот технологияларининг график ва дизайн воситаларидан фойдаланилган ҳолда жадвал ва график кўринишларида ифодаланади. Шу тариқа, юқорида қайд этилган босқичларни тўлиқ қамраб оладиган ва табиий фанларда фанлараро боғлиқликни тадқиқ этишга имкон берадиган дастурий таъминот яратилади, ҳамда олий таълим муассасаси ўқитувчи ва талабаларга тақдим этилади.

Табиий фанларда фанлараро боғлиқликни тадқиқ этишга йўналтирилган дастурий таъминотни яратишга бўлган зарурият қуйидаги ҳолатлар туфайли юзага келади: биринчидан, талабаларга фанлараро боғлиқликни анъанавий усулда тўлақонли намоёниш этиш ва тушунтириш имкониятининг чегараланганлиги; иккинчидан, фанлараро боғлиқлик мавзусини ўтадиган ўқитувчининг кўпинча ўзининг асосий мутахассислиги билан чегараланиб қолиб, фанлараро боғлиқликка туташ бўлган фанлар тўғрисида етарли даражада билим ва кўникмаларга эга эмаслиги; учинчидан, фанлараро боғлиқликни нафақат иккита фан, балки учта ва ундан ортиқ фанлар кесимида кузатишнинг ўта мураккаблиги; тўртинчидан, табиий фанларда фанлараро боғлиқлик мавзуларини ўтувчи ўқитувчиларнинг ва кўпчилик талабаларнинг ўз фаолиятларида ахборот технологиялари имкониятларидан қисман фойдаланишлари ёки умуман фойдаланмасликлари; бешинчидан, табиий фанлар таълим йўналишларида дарс берадиган ахборот технологиялари соҳасидаги ўқитувчиларнинг фақат ахборот технологияларига тааллуқли билимлар билан чегараланиб қолиб, табиий фанларда фанлараро боғлиқликка оид ва бошқа мураккаб мавзуларни ўтишни енгиллаштиришга бўлган эътиборларининг деярли йўқлиги; олтинчидан, табиий фанларда фанлараро боғлиқликка оид

мавзуларни ўтадиган ўқитувчилар ва ахборот технологиялари соҳасидаги ўқитувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигининг мавжуд эмаслиги; еттинчидан, табиий фанларда фанлараро боғлиқликка оид мавзулар ва масалалар базаси ва банкининг мавжуд эмаслиги ва бошқалар.

Ахборот технологияларини табиий фанларда фанлараро боғлиқликка оид мавзуларни ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини оширишдаги ўрни беқиёс. Ахборот технологияларини қўллаш талабаларнинг икки, уч ва ундан ортиқ фанлар кесимида мавжуд бўлган мураккаб масалаларни чуқур таҳлил этиш, ҳодиса ва жараёнларнинг туб моҳиятини англаш, тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш, фанлараро боғлиқликни тадқиқ этишга бўлган қизиқишларини орттириш, янги тадқиқот йўналишлари ва инновацион ғояларнинг пайдо бўлиши ва келгусида илмий-тадқиқот фаолияти олиб бориш кўникма ва малакаларининг шаклланишига ёрдам беради.

Фанлараро боғлиқликка оид мавзуларни ўқитишда ахборот технологияларини қўллаш ўзига хос хусусиятларга эга. Улар қуйидагилардан иборат: биринчидан, ахборот технологияларини қўллаш асосида модель-алгоритм-дастур учлиги ётади, ушбу учлик фанлараро боғлиқликни акс эттирувчи ҳодиса ва жараёнларни ҳисоблаш эксперименти ўтказиш орқали тадқиқ этиш имкониятини эгаллаш, иккинчидан, айнан, ҳодиса ва жараённинг ўзи билан эмас, балки унинг модели билан ишлаш, учинчидан, ҳодиса ва жараёнлар табиати тўғрисидаги илмий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни сонлар ёки сонлар жадвал кўринишида олиш; тўртинчидан, олинган сонли натижаларни график кўринишда визуаллаштириш; бешинчидан, ҳодиса ва жараёнларни характерловчи параметрларнинг кенг кўламли ўзгаришига мос қийматларида ҳисоблашлар олиб бориш; олтинчидан, талабаларнинг табиий фанларда фанлараро боғлиқликни ахборот технологиялари асосида ўрганиш бўйича касбий компетентликларининг шаклланишга олиб келади.

**“Фанлараро боғлиқликни ўрганишда ахборот технологияларини қўллаш методикасини такомиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобда талабага қўйилган фанлараро боғлиқлик муаммосининг нечоғлик аҳамиятли эканлиги, унинг талаба фикрлаш фаолиятига қандай таъсир кўрсатишини аниқлаш учун муаммо бўйича илмий-тадқиқот олиб борган тадқиқотчилар хулосаларига асосий эътибор қаратилган. Академик А.А.Самарскийнинг<sup>2</sup> ёзишича, замонавий фан томонидан ўрганиладиган техник, экологик, иқтисодий ва бошқа тизимларни эндиликда одатдаги назарий методлар ёрдамида етарлича тўлиқ ва аниқликда тадқиқ этиш имконияти мавжуд эмас. Шу сабабли, математик ёки кенг маънода айтилганда ахборотли моделлаштириш замонавий илмий-техника тараққиётининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Бирор-бир ҳодиса ёки жараённи математик моделлаштириш масаласининг қўйилиши аниқ ҳаракатлар режасини тузишни тақоза этади. Уни шартли равишда учта босқичда бўлиш мумкин: модель-алгоритм-дастур. Табиий фанлар таълим йўналишларида фанлараро боғлиқлик доирасида ўрганилаётган ҳодиса

---

<sup>2</sup>А.А.Самарский, А.П.Михайлов. Математическое моделирование. - М.: ФИЗМАТЛИТ, 2005.-320 с.

ва жараёнлар моҳиятини очиб бериш, талабанинг фикрлаш фаолиятини ривожлантириш учун юқорида келтирилган учликдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу учлик нуқтаи-назаридан фанлараро боғлиқда иштирок этаётган айрим фанлар қандай боғланишга эга эканлигини, ҳамда ушбу боғланишларнинг тутган ўрнини батафсил таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлади.

Фанлараро боғлиқликни ўқитишнинг назарий асосида талабанинг ижодий билиш фаолияти ётади. Фанлараро боғлиқликни ўрганиш талаба фаолиятини ижодий ривожлантириш, уни илмий-тадқиқот сари йўналтиришдан иборат. Фанлараро боғлиқликни талабаларга ахборотли моделлаштириш асосида ўргатишни қуйидагича ташкил этиш мумкин:

1. Фанлараро боғлиқликни ўрганишда ҳодиса ва жараёнларнинг “эквиваленти” танланади, у тадқиқ этилаётган ҳодиса ва жараёнларнинг муҳим жиҳатларини ўзида акс эттириши, улар буйсунадиган қонуниятлар, унинг таркибий қисмларига хос бўлган алоқалар танлаб олиниши лозим бўлади.

Ҳодиса ва жараёнларга оид фанлараро боғлиқликни тавсифловчи ахборотли модель ёки “эквивалент”ни компьютерда амалга ошириш учун алгоритм танланади ёки у мавжуд бўлмаса янгидан ишлаб

чиқилади. Модель ҳисоблаш методларини қўллаш учун ўнғай кўринишда ифодаланади, изланаётган миқдорларни маълум аниқлик

билан топиш учун сарфланадиган арифметик ва мантиқий амаллар кетма-кетлиги аниқланади. Ҳисоблаш алгоритмлари моделнинг ва ўз навбатида дастлабки қаралаётган ҳодиса ва жараёнларнинг асосийхусусиятларини бузмаслиги ҳамда тежамли ва ечилаётган масала ва фойдаланилаётган компьютерларнинг ўзига хос жиҳатларига мослашувчан бўлиши талаб қилинади.

2. Алгоритмик моделни компьютерга тушунарли тилга “таржима” қиладиган дастурлар яратилади. Уларга ҳам тежамлилик ва мослашувчанлик талаблари қўйилади. Уларни тадқиқ этилаётган

ҳодиса ва жараёнларнинг “электрон” эквиваленти деб аташ мумкин, аммо, улар эндиликда “экспериментал қурилма”-компьютерларда бевосита синовлар ўтказишга яроқли бўлади.

Табийй йўналишларда “Модель-алгоритм-дастур” учлигини яратиб, фанлараро боғлиқликка оид фанларни ўтадиган ўқитувчилар ва таҳсил олаётган талабалар қўлига универсал, нозик ва арзон восита бериладиги, дастлаб ушбу восита тартиблаштирилади, “синов” ҳисоблаш экспериментларида тестдан ўтказилади. Танланган учликнинг дастлабки ҳодиса ва жараёнларга адекватлиги (етарлича мос тушиши) ўрнатилгандан кейин модель асосида ҳодиса ва жараёнларнинг талаб қилинадиган миқдорий ва сифатий хоссалари, характеристикаларини аниқлаш мақсадида турли туман ва батафсил “тажрибалар” ўтказилади. Моделлаштириш жараёни доимо яхшиланиш ва аниқлаштириш билан олиб борилади, бунда зарурат нуқтаи-назаридан учлик занжиридаги ҳар бир бўғин такомиллаштирилади. Ахборотли моделлаштириш фанларни ўрганиш методологияси бўлиб, у кимё, биология, физика, математика ва бошқа илмий фанлар билан рақобатлашмайди. Аксинча, унинг синтезловчи ролини баҳолаш жуда мушкул. Тадқиқот учлигини яратиш ва қўллашни турли

метод ва ёндашув-чизикли бўлмаган моделларнинг сифатий анализидан тортиб, токи замонавий дастурлаш тилларигача таянилмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Бу эса ўз навбатида фандаги турли йўналишлар тараққиётига янги қўшимча имкониятлар эшигини очиб беради.

Бошқа фанлар соҳасида бўлгани каби кимё фанини талабаларга фанлараро боғлиқликни қамраб олган ҳолда ўргатишда замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиш яхши самара беради. Ҳозирда асосий илмий янгиликлар икки ёки ундан ортиқ фанлар кесими доирасида яхши натижалар бермоқда ва инновацион аҳамият касб этиб, соҳада алоқадор ишлаб чиқариш корхоналарига тадбиқ этиш имкониятларини бермоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>3</sup>ги қарорида мамлакатимизда кимё ва биология фанларини ривожлантириш, ушбу йўналишларда таълим сифати ва илм-фан натижадорлигини ошириш “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили” Давлат дастурининг устувор вазифалари қаторида белгиланган. Шунингдек, ушбу қарорда ўрта махсус, профессионал, олий таълим, илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда соҳадаги ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида кадрлар тайёрлаш ва илм-фан натижаларидан фойдаланиш борасида узвий боғлиқлик, самарали мулоқот ва ҳамкорлик йўлда қўйилмаганлиги тўғрисидаги эътирозли фикрлар билдирилган.


Кимё таълим йўналишида фанлараро боғлиқликни углеводород молекулаларининг топологик хоссаларини ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда тадқиқ этиш масаласи юқорида баён қилинган модель-алгоритм-дастур учлиги асосида кўриб ўтилди.

Бунда кимё таълим йўналишида турли топологик структурага эга бўлган углеводород молекулаларининг топологик хоссалари ҳамда биология ва тиббиёт таълим йўналишларида қандли диабет касаллигини тадқиқ этишда куйидаги фанлар орасидаги боғлиқлик кузатилди: дастурлаш асослари, web дизайн, дифференциал тенгламалар, математик моделлаштириш, компьютер графикаси, ҳисоблаш усуллари, информатика, алгоритмлар назарияси, матрицалар назарияси, графлар назарияси.


Дастлаб углеводород молекулаларининг топологик хоссаларини тадқиқ этишни қараймиз. Бунда фанлараро боғлиқликни модель-алгоритм-дастур учлиги асосида ўрганиш натижасида молекуладаги углеродлар сони, углерод-углерод алоқалар сони ҳамда молекуладаги халқалар сони ахборот технологиялари воситасида аниқланади. Мисол тариқасида бензол, нафталин ва антрацен молекулалари тадқиқ этилди:

---


<sup>3</sup> (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.08.2020 й., 07/20/4805/1174-сон; 01.05.2021 й., 06/21/6217/0409-сон)



Бензол



Нафталин



Антрацен

Уларни ахборот технологиялари воситасида тадқиқ этиш алгоритмини келтирамиз:

- 1) кимёвий элемент номи танланади;
- 2) ушбу элементга мос топологик матрица  $T$  шакллантирилади;
- 3) топологик матрица  $T$  га мос аралаш матрица  $B$  тузилади;
- 4) Транспонирланган  $B^T$  матрица ҳосил қилинади;
- 5)  $B$  матрицанинг сатр ва устунлари қўшилиб, молекуладаги углеродлар сони  $n$  аниқланади;
- 6)  $(B^T * B)$  матрицанинг изи  $T_r(B^T B)$  ҳисобланади ва унинг диагональ элементлари қўшилиб, тегишли кимёвий элемент молекуласи таркибидаги, углерод-углерод (C–C)– алоқалар сони  $N$  топилади;
- 7)  $r = N - n + 1$  формула асосида молекуладаги халқалар сони ҳисобланади.

Келтирилган алгоритм асосида дастурий таъминот яратилади ва танланган кимёвий элемент топологик хоссаларини акс эттирган миқдорларнинг сонли қийматлари аниқланади. Бунда фанлараро боғлиқликни ўтаётган табиий фан ўқитувчиси моделни, алгоритмни ва дастурнинг ишлаш фаолиятдан тўлиқ хабардор бўлмаслиги, аммо, дастурга киритиладиган ҳамда дастур ишлаш натижасида олинadиган миқдорларнинг моҳиятини яхши тушунишлари талаб қилинади. Шу сабабли табиий фанларда фанлараро боғлиқликка оид мавзуларни ахборот технологиялари асосида ўтиш талабаларнинг мавзуга оид билимларни тез ва сифатли ўзлаштиришларига ёрдам беради.

Сўнгра, тадқиқот ишида биология ва тиббиёт таълим йўналишлари талабаларининг фанлараро боғлиқликка оид касбий компетенцияларини шакллантиришда мисол тариқасида қандли диабет касаллиги қаралди. Ушбу касаллик дунёда кенг тарқалган касалликлар жумласига киради. Қандли диабет касаллигида ошқозон ости бези фаолияти бузилиши натижасида инсулин моддаси ажралиб чиқиши нормал ҳолатдан четлашади, ушбу модда қондаги қанд миқдорини меъёрида сақлаб туради. Инсулин ишлаб чиқариш механизмининг бузилиши, қондаги қанд миқдори бошқарилувини ҳам бузиб, қондаги қанд миқдорининг ортиб кетишига олиб келади. Инсулин қон таркибидаги қанднинг ивишига олиб келиб, унинг ортиб кетишига имкон бермайди. Инсон организмида у ёки бу сабабларга кўра, ошқозон ости бези томонидан инсулин ишлаб чиқариш механизми бузилади. Инсон организмида инсулин ажралиб чиқиши билан кечадиган мураккаб биокимёвий жараённи фанлараро боғлиқлик нуқтаи-назаридан ахборот технологиялари асосида тадқиқ этишни қараймиз.

Қандли диабет касаллигининг ахборотли моделини қаралади ва у модель-алгоритм-дастур учлиги асосида тадқиқ этилади. Моделга клиник амалиётда ўлчаниши ва бошқарилиши мумкин бўлган қон таркибидаги қанд миқдори ( $x$ ) ва қон таркибидаги инсулин миқдори ( $y$ ) киритилади.

Қандли диабет касаллигининг модели қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\begin{cases} \frac{dx}{dt} = f_1(t, x, y), & (1) \\ \frac{dy}{dt} = f_2(t, x, y) & (2) \end{cases}$$

бу ерда

$$\begin{cases} f_1(x, y, t) = -a_1xy + a_2(x_0 - x)H(x_0 - x) + a_3Qe^{-K(t-t_0)}H(t - t_0), & (3) \\ f_2(x, y, t) = b_1(x - x_0)H(x - x_0) - b_2y + b_3Q(t_0 + t)H(\bar{t} - t) + b_3Q(\bar{t} - t)H(t - \bar{t}). & (4) \end{cases}$$

Маълумки, қон таркибида инсулиннинг мавжудлиги қондаги қанднинг нейтраллашувига, яъни метаболизмга, бу эса ўз навбатида унинг қон таркибида камайишига олиб келади. Қон таркибида қанд миқдори ёки инсулин миқдори қанчалик юқори бўлса, ушбу камайиш шунчалик тез рўй беради. Шу сабабли, тенглама (3)даги биринчи қўшилувчи  $-a_1xy$  ўзгарувчиларнинг ҳеч бўлмаганда кичик қийматларида ушбу эффектни етарлича яхши тавсифлайди. Қон таркибидаги қанд миқдори мувозанат ҳолатидан пастлаб кетиши мумкин (масалан, оч ҳолда жуда катта жисмоний юклама бажариш оқибатида). Уни нормал ҳолатга кўтариш учун инсон жигаридаги углеводлар захирасидан углевод ажратилади. Ушбу эффектни тенглама (3)даги иккинчи қўшилувчи  $a_2(x_0 - x)H(x_0 - x)$  яхши акс эттиради. Тенглама (3)даги учинчи қўшилувчи  $a_3Qe^{-K(t-t_0)}H(t - t_0)$ -қон таркибидаги қанднинг ташқи манбаи сифатида, инсон томонидан қабул қилинадиган овқат миқдори қаралиши ва у вақтнинг ошқор функциясидан иборат бўлишини кўрсатади. Ўзгармаслар  $a_1$ ,  $a_2$  ва  $a_3$  мусбат миқдорлар бўлиб, улар қанд миқдори градиентининг қуйидаги ҳолатларга мос равишда сезгирлигини аниқлайди: а) инсулин мавжуд ҳолатда, в) қон таркибида қанд миқдори кам бўлган ҳолатда ва с) овқат қабул қилинганда.

Тенглама (4)даги биринчи қўшилувчи  $b_1(x - x_0)H(x - x_0)$ нинг маъноси шундан иборатки, агар қон таркибидаги қанд миқдори турғун ҳолатдан юқори бўлса, ошқозон ости бези қон томирларига инсулин чиқаради. Тенглама (4) даги иккинчи қўшилувчи  $-b_2y$  эса, қон таркибида инсулиннинг сақланиб туриши, бир қанча биокимёвий жараёнлар таъсирида камайишини тавсифлайди, тирик организмдаги эркин ҳолатдаги инсулиннинг деярли ярми 10-25 минут оралиғида нофаол ҳолатда ўтади. Ва ниҳоят, тенглама (4) даги учинчи ва тўртинчи қўшилувчилар  $b_3Q(t_0 + t)H(\bar{t} - t) + b_3Q(\bar{t} - t)H(t - \bar{t})$ -инсулиннинг ихтиёрий ташқи манбасини тавсифлайди. Соғлом организм учун ушбу қўшилувчилар айнан нолга тенг бўлади, қандли диабет билан касалланганлар учун эса улар вақт  $t$  нинг функцияси бўлиб, инсон организмга киритиладиган инъекциялар графиги орқали аниқланади. Учта  $b_1$ ,  $b_2$  ва  $b_3$  ўзгармаслар аниқланишига кўра мусбат миқдорлардан иборат бўлади. Улар мос равишда инсулин градиентининг қуйидаги ҳолатларга мос сезгирлигини аниқлатади: а)  $b_1$ -қон таркибида қанд миқдори юқори, в)  $b_2$ -инсулин миқдори юқори ва с)  $b_3$ -организмга инсулиннинг киритилиши. Турли факторларнинг таъсирини юмшатиш (айниқса а) факторнинг) поғонали функция  $H(x - x_0)$  киритилади, у ушбу муносабат орқали аниқланади

$$H(\xi) = \begin{cases} 0, & \text{агар } \xi < 0, \\ 1, & \text{агар } \xi \geq 0. \end{cases}$$

Қанднинг қон таркибига нормада кириб бориши, овқат қабул қилишга боғлиқ. Инсон организмидаги овқат захираси узлуксиз эмас, балки у дискрет ҳолатда тўлдириб борилади, ҳаттоки, ихтиёрий босқичда овқат захираси экспоненциал равишда камаяди деб фараз қилинади. Ҳар бир овқат қабул қилишга нисбатан берилиши лозим бўлган маълумотлар ушбу параметрларда ўз ифодасини топган бўлади:  $Q$  (овқат миқдори),  $K$  (кечкикиш параметри),  $t_0$  (овқат қабул қилиш вақти). Ҳар хил  $K$  лар турли овқатларга мос келади. Қон томирларига глюкоза инъекцияси киритишни айнан бир вақтда параметрлар  $Q$  ва  $K$  га катта қийматлар бериш орқали тавсифлаш мумкин бўлади.


Қон таркибига инсулиннинг табиий киритилиши даврий такрорланувчи жараёнлардан иборат бўлиб, у тескари алоқа механизми орқали бошқарилади. Ушбу механизм фаолиятининг бузилиши натижасида худди қон таркибига глюкоза киритилгани сингари, инсулин киритиш қўлланилади. Тери остига даврий инъекциялар олинишини “инсулин депоси” нинг тўлдирилиши орқали моделлаштириш мумкин, ундан инсулин бирор-бир вақт оралиғида қон таркибига ўтиб боради. Маълумки, инсулин инъекциясининг “максимал эффекти”га маълум бир вақт оралиғида (одатда, уч соатча) эришилади ва вақт ўтиши билан инсулин инъекциясининг таъсири батамом йўқолади. Максимал эффект инсулиннинг қон таркибига максимал тезлик билан киритилишига боғлиқ ва ўз навбатида инсулин градиентига энг катта таъсир этади деб ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги маълумотлар талаб қилинади: инъекция вақти, организмга киритиладиган инсулин миқдори, максимал эффектга эришиш учун зарур бўлган вақт ҳамда эгри чизикнинг ўсиш ва камайиш қияликлари. Қаралаётган ҳолда,  $b_3$ -параметр инсулин миқдорининг инъекцияларда нисбатан сезгирлиги бўлиб, у ташқаридан киритилиши мумкин бўлган инсулин миқдорининг сонли қийматлари орқали ўлчанишини таъминлаш мақсадида киритилади. Чизикли бўлмаган оддий дифференциал тенгламалар системаси (1)-(2) ни сонли моделлаштириш учун вақт қадами  $\tau$  бўйича биринчи тартибли аниқликка эга бўлган Эйлер методи, иккинчи тартибли аниқликка эга бўлган Эйлернинг биринчи яхшиланган методи ва тўртинчи тартибли аниқликка эга бўлган Рунге-Кутта методлари алгоритмларидан фойдаланиш мумкин. Ушбу методлар алгоритмлари учун C++ тилида дастурлар тузилади ва фанлараро боғлиқликни тавсифловчи параметрларнинг кенг қўламли ўзгаришида ҳисоблаш экспериментлари ўтказилади. Бунда  $t_0$ ,  $x_0$ ,  $y_0$  берилган миқдорлар. Ушбу дастурий таъминотлар асосида дифференциал масала (1)-(2)ни сонли ечиш учун, ундаги характерли параметрларнинг қуйидаги қийматларида ҳисоблаш экспериментлари ўтказилган:

$$x_0 = 0.1, \quad y_0 = 0.3, \quad a_1 = 0.05, \quad a_2 = 1.0, \quad a_3 = 0.04, \quad b_1 = 0.5, \quad b_2 = 2.0, \quad b_3 = 0.2, \quad \bar{t} = 0.5, \quad K = 1, \\ Q = 1, \quad \tau = 0.01, \quad N = 100.$$

## Инсон организмида қанд ва инсулин миқдорининг ўзгариши

Методлар Вақт қийматлари	Эйлер методи		Эйлернинг биринчи яхшиланган методи		Рунге-Кутта методи	
	x[i]	y[i]	x[i]	y[i]	x[i]	y[i]
i						
0	0.100000	0.300000	0.100000	0.300000	0.100000	0.300000
10	0.176496	0.263856	0.176511	0.266185	0.176128	0.266161
50	0.416337	0.504274	0.416352	0.509393	0.414773	0.509207
90	0.577107	0.203771	0.577122	0.189393	0.574742	0.191105

Инсон организмидаги қанд (x) ва инсулин (y) нинг сонли ҳисоблаш орқали олинган қийматлари 1-жадвалда келтирилган. Ушбу натижалар график кўринишда қуйидаги расмда намоиш этилган.



1-расм. Рунге-Кутта методи

Келтирилган жадвал ва расмдан кўринадики, инсон организмида маълум бир вақтдан кейин қанд миқдори (x) ортиб боради, инсулин миқдори (y) эса камайиш тенденциясига эга бўлади.

Шундай қилиб, қандли диабет касаллиги ахборот технологияларини қўллаб модель-алгоритм-дастур учлиги асосида фанлараро боғлиқликни инобатга олган ҳолда тадқиқ этилди.

